



ALISHER NAVOIY VA QO'QON ADABIY MUHITI

QO'QON-2021

АЛИШЕР НАВОИЙ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АДАБИЁТ
МУЗЕЙИ**

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ
ИНСТИТУТИ**

**БУЮК ШОИР ВА МУТАФАККИР АЛИШЕР НАВОИЙ
ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН**

**“АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ҚЎҚОН АДАБИЙ МУҲИТИ”
МАВЗУСИДАГИ**

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ АНЖУМАН

МАТЕРИАЛЛАРИ

(21-22 май 2021 йил)

ҚЎҚОН – 2021

Tax̄rip ҳайъати:

**З. Қобилова, Б. Абдураҳмонова, Д. Зоҳидова, С. Усмонова, Ф. Қурбонова,
Р. Жўраева**

Masъул муҳаррир:

Олимжон Давлатов

Tўпловчилар:

М. Носиров, Д. Асқаров, Л. Аҳмадалиев, Н.Турсунова, Ҳ. Раимова

Ушбу тўпламда 2021 йил **21-22 май кунлари** Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган “**АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ҚЎҚОН АДАБИЙ МУҲИТИ**” мавзусидаги халқаро илмий анжуман материаллари жамланган. Анжуман Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сонли «Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режаси тўғрисида”ти 2021 йил 2 мартағи 78-ф сонли фармойишига асосан ташкил қилинган.

Tўпламдан ўрин олган мақолаларнинг илмий-услубий жиҳатлари ва савиясига муаллифларнинг ўзлари масъулдорлар.

Ушбу тўплам Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институти Кенгашининг 2021 йил 7 май кунидаги йиғилиши баённомасига мувофиқ нашрга тавсия қилинган

МУҲАЙИР ИЖОДИЙ МЕРОСИ МАНБАЛАРИ. У КЎЧИРГАН НАВОИЙ ДЕВОНИ ҚЎЛЁЗМАСИ

Акрамжон Дехқонов
ЎзДЎТАУ, ф. ф. н. (Ўзбекистон)

Муҳаммадқул Муҳаммадрасул ўғли Муҳаййир XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида яшаб ўтган ижодкорлар ичидаги ижодий мероси нисбатан яхлит ҳолда етиб келган шоирлардан биридир. Шоирнинг ўз қўли билан кўчирилган девонининг икки нусхаси Давлат Адабиёт музейи ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

Улардан бири қоралама нусха бўлиб, 1897 (1315 ҳижрий) йилда кўчирилган, 162 варақдан иборат. Бу нусха 7493 инвентарь рақами остида ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланяпти. Унинг 1-10 варақларида “Қирқ ҳадис” таржимаси, 10-13 варақларида эса девон дебочаси берилган. 13-158 варақларда шоирнинг ғазал, мухаммас, мураббаъ, мусаддас ва рубоийлари, 158-162 варақларда девон хотимаси жойлашган. Қўлёзма Кўқон қоғозига сафсар рангли сиёҳ билан ўртача настаълик хатида ёзилган. Муқоваси қаттиқ яшил картондан ишланган. Ўлчовлари 16, 5x25, 5 см.

Девонда 400 та ғазал, 37 та мухаммас, 70 та рубоий, 2 та мусаддас, 2 муаммо, 2 таркиббанд ва 4 та мураббаъ бор.

Бу нусхани қоралама нусха дейишимизнинг сабаби шуки, ундаги ҳар бир радифли ғазалдан кейин бўш варақлар қолдирилган. Янги ёзилган ғазал кейинчалик ўша бўш жойга кўчириб қўйилган. Баъзи варақларда жой қолмаганидан ғазаллар ҳошияга ёзилган. Ғазалларнинг хати ҳам уларнинг турли вақтларда, турли ҳолатларда ёзилганини кўрсатади.

Девоннинг иккинчи нусхаси эса юқоридаги нусханинг оқка кўчирилган варианти бўлиб, 241-инвентарь рақами билан Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейида сақланяпти. Бу қўлёзма ҳижрий 1335 (милодий

1917) йилда кўчирилган. 158 варак. Новвотранг Кўқон қофозига қора сиёҳ билан майда настаълиқ хатида битилган. Бу қўлёзманинг Муҳайир девонининг оққа кўчирилган варианти эканлигини шундан аниқладикки, ундаги ғазаллар қатъий тартиб билан, ўз ўрнига ёзилган. Бирор-бир ғазал ҳошияга битилмаган. Қоралама нусхадаги баъзи хатолар тузатилган. Бунда 400 та ғазал (Шундан 77 таси форсча), 36 та мухаммас (шундан 17 таси форсча), 71 та рубоий, 2 та мусаддас, 2 та муаммо, 4 та мураббаъ, 1 та таржеъбанд, 1 та таркиббанд мавжуд. Кўлёзманинг 1-3 варакларидан девон дебочаси, 4-7 вараклардан “Кирқ ҳадис”нинг таржимаси, 8-158 вараклардан эса шеърий асарлар ўрин олган.

Муҳайир асарларининг яна бир ноёб манбаси унинг ўз қўли билан ёзилган баёздир. У 1893 (1311 ҳижрий) йилда кўчирилган бўлиб, 190 варакдан иборат. Баёзнинг 20-59 варакларида Муҳайирнинг шеърлари берилган, 10-20 вараклардан “Кирқ ҳадис” таржимаси ўрин олган. Бу баёзнинг Муҳайир қўли билан кўчирилганлигига қўлёзманинг 20-варагидаги биринчи ғазал тепасига ёзилган қуйидаги жумлалар ҳужжатдир: “Ушбу китобни таҳрир қилғон (яъни кўчирган – А.Д.) шикаста қалам Муҳайирнинг бадоеълари”. Шуни айтиб ўтиш керакки, шоир девони нусхаларида уларни Муҳайир ўз қўли билан кўчирганлиги ҳақидаги маълумот учрамайди. Биз ушбу баёзда ёзилган жумлага суюниб, унинг хатини девон нусхаларига солиштирганимизда, уларнинг ҳаммасини бир киши, яъни шоирнинг ўзи кўчиргани маълум бўлди.

Баёзнинг кейинги бетларида Носир Бухорий, Хусрав Дехлавий, Жомий, Рожий, Муҳий, Хислат каби шоирларнинг шеърлари берилган.

Иzlанишларимиз давомида Алишер Навоийнинг бир терма девонини ҳам Муҳайир ўз қўли билан кўчиргани маълум бўлди. Бу қўлёзма 226-инвентарь рақами билан Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейида сакланмоқда. Девон охирида хаттотнинг қуйидаги сўзлари мавжуд: “Тамом ёфт ин нусхай шарифи девони латифи мунтахаб, таснифи орифи комил ва мукаммал Мир Алишер Навоий лақаби Навоий – қуддиса сирруху –

бадасти каминаи камтарин Мулло Мухаммадқули ибн Мулло Мухаммадрасул... Бар замойири аҳли дониш хофий ва сатир мабодки, ҳар саҳве ва хатое дар хомаи нисён рафта бошад, бамувофиқи ояти карима:

رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا إِنْ شَيْءًا أَوْ أَخْطَأْنَا

амал намуда, басатру афву карам онро пӯшанд ва ҳар нуқсоне ва нисёне, ки дар ин мусаввада бавужуд омад, бақалами таҳрир-ро дар тасҳихи он пӯшанд. Зероки, хотири башарий холий нест аз сояи нуқс”. [1.176 в.]

Таржимаси: “Орифи комил ва муқаммал Навоий лақабли Мир Алишер – унинг сирри муқаддас бўлсин – таснифи бўлмиш латиф танланган девоннинг ушбу шариф нусхаси каминаи камтарин Мулло Мухаммадқул ибн Мулло Мухаммадрасул қўли билан итномига етди. Дониш аҳлининг замирларидан маҳфий ва яширин эмаски, “Парвардигоро, агар унуган ёки хато қилган бўлсак, бизни азобингга гирифтор айлама!” ояти каримасига мувофиқ, унутиш қаламидан юзага келган ҳар қандай саҳву хато афву карам билан ёпишга, яъни кечиришга лойикдир. Ва ушбу мусаввадада мавжуд бўлган ҳар қандай нуқсон ва камчиликни таҳрир қалами билан тўғрилашга ҳаракат қилсинлар. Зероки, инсон хотири нуқсон соясидан холи эмасдир”.

Алишер Навоийнинг ушбу танланган девони чиройли настаълиқ хатида 1870 йилда қўчирилган. Девон “Ашрақат...” ғазали билан бошланган, 177 варақ. Матн ўлчови 9, 5x20. Қўлёзма ўлчови – 15x26. Девондан 537 ғазал, 2 та мустазод, 2 та мусаддас, 5 та мухаммас, 3 та таржеъбанд, 8 та қитъа, 80 та рубоий ва 10 та туюқ ўрин олган. Қўлёзмадаги ғазалларнинг баъзиларига қора қаламда белгилар қўйилган. Шунга асосан биз Муҳаййир бу девонни ўзи ўқиб, фойдаланиши учун кўчириган бўлса керак, деган хуносага келдик.

Бу девоннинг хатини ҳам Муҳаййир девони нусхаларига солиширганимизда, уларнинг ҳаммаси битта дастхат билан ёзилгани маълум бўлди. Мана шу қатъий ва ишончли далилларга асосланиб туриб, биз Муҳаййир девони нусхалари шоирнинг ўз қўли билан кўчирилганини айтдик.

Биз Алишер Навоий девонининг Муҳаййир тарафидан кўчирилганини заҳматкаш олим М. Ҳакимовнинг “Навоий асарлари қўлёзмаларининг

тавсифи” китобидаги котиблар исмлари кўрсаткичи ёрдамида аниқладик.
[7.188–189 б.]

Эҳтимол, Муҳаййирнинг хаттотлик фаолияти ўз девонининг икки нусхаси, иккита баёз ва Алишер Навоий девонини кўчириш билангина чекланган эмасдир. Мамлакатимиз китоб фондларида ва халқимиз қўлида сақланаётган нодир қўлёзмалар ичida Муҳаййир қўли билан кўчирилган асарлар ҳам бўлса, ажаб эмас.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Девон. ЎзФА Давлат Адабиёт музейи қўлёзмалар фонди. Инв. № 226
2. Муҳаййир. Девон. Нашрга тайёрловчи М. Хайруллаева. – Тошкент: Университет, 2000
3. Муҳаййир. Девон. ЎзФА Давлат Адабиёт музейи қўлёзмалар фонди. Инв. № 241
4. Муҳаййир. Девон. ЎзФАШИ қўлёзмалар фонди. Инв. № 7493
5. Муҳаййир. Баёз. ЎзФАШИ қўлёзмалар фонди. Инв. № 682
6. Навоий асарлари лугати / Тузувчилар: П. Шамсиев, С. Иброҳимов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972
7. Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. – Тошкент: Фан, 1983
8. Ҳамирова М. Қўлёзма баёзлар – адабий манба. – Тошкент: Фан, 1981

АДАБИЙ МУҲИТ ВА ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ НАШРИ МАСАЛАСИ

Феруза Маматқулова,
Кўқон ДПИ (PhD) (Ўзбекистон)

Ҳазрат Алишер Навоий бундан 580 йил аввал таваллуд қилган ва Ҳирида нашъу намо топиб, ўз асарларининг тарқалиб боришига ҳам эътиборли бўлганлар. “Лисон ут-тайр”да “Турк назмида чу мен тортиб алам,

қиёсий таҳлили (XIX аср охири XX аср бошларидағи мактублар мисолида).....	171
29. Mohidil Shamatova. Qo'qon DPI, talaba. Xisrav II va Amiriý	175
30. Музаяна Собирова. Қўқон ДПИ, талаба (Ўзбекистон). Навоий сабоқлари.....	182

НАВОЙ ИЖОДИ ВА ҚЎҚОН АДАБИЙ МУҲИТИНИ ЎРГАНИШ: МАТНШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

- 1. Нурбой Жабборов.** Филология фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон). Алишер Навоий назмий анъаналарининг Фурқат шеъриятида янгиланиш тамойиллари187
- 2. Афтондил Эркинов.** Филология фанлари доктори (Ўзбекистон). Алишер Навоий девонларининг аниқланган янги нусхалари (2010–2021 йиллар)....201
- 3. Гулноз Халлиева.** ЎзДЖТУ, филология фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон). Амирий девонининг Стамбул нусхасидаги туюқлар хусусида.....211
- 4. Қўлдош Пардаев.** ТошДЎТАУ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (*PhD*) (Ўзбекистон). Навоий маҳоратининг Муқимий ижодий камолотидаги ўрни215
- 5. Отабек Жўрабоев.** Филология фанлари номзоди, доцент, ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музеи директор ўринбосари (Ўзбекистон). Навоий даври девончилигининг XIX аср Қўқон адабий муҳитига таъсири масаласига доир220
- 6. Абдуллатиф Турдиалиев.** Ғ.Ғулом номидаги Қўқон адабиёт музеи мудири, филология фанлари номзоди (Ўзбекистон). Алишер Навоий “Хамса” асарининг бир қўлёзма нусхаси ҳақида227
- 7. Фарида Каримова,** НамДУ ф.ф.н., доцент (Ўзбекистон). Муҳаййир – мумтоз дебочанавислик анъаналари давомчиси230
- 8. Акрам Дехқонов.** ТошДЎТАУ, филология фанлари номзоди (Ўзбекистон). Муҳаййир ижодий мероси манбалари. У кўчирган Навоий девони қўлёзмаси.....237
- 9. Феруза Маматқурова.** Қўқон ДПИ, катта ўқитувчи (Ўзбекистон). Адабий муҳит ва халқ достонлари нашри масаласи240
- 10. Муҳаммадризо Джўраев.** Қўқон ДПИ, ўқитувчи (Ўзбекистон). Тринар типология: Увайсий - Фурқат – Ёрий245